



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 7-iyun. Seshanba

68 (31.344)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



**Буюк ипак йўли ўтган мамлакатимиз қадим замонлардан буён бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор топган. Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистрал йўллар орқали туташтирган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.**

Ислоҳ КАРИМОВ

## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

### МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ байрамига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги ҳаяжонли кунларда эришилган ютуқлар ҳақида гап кетса, биринчилардан бўлиб темир йўл соҳасидаги беқиёс ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар кўз ўнгимизга келади. Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизимига айланган дунёдаги энг илғор мамлакатлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Булар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Узоқни кўзлаб, халқимиз турмуш фаровонлигини, порлоқ келажagini таъминлаш йўлида қилинган қаҳрамонона меҳнат, машаққат, жасорат ва курашлар орқали эришилди бу ютуқларга.



Буни чуқурроқ ҳис этиш, англаш учун ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида республикамизда юзага келган аҳволни хотирада тиклашга тўғри келади. Барча соҳаларда бўлгани каби темир йўл тизими ҳам инқирозга юз тута бошлаган эди. Темир йўл соҳасига узоқ йиллик эътиборсизлик оқибатида кўпдан-кўп муаммолар тўпланиб қолган эди.

Йўловчи ташишда шаҳарлараро ва республикалараро йўналишлардаги поездлар қатнов жадвалидан тез-тез чиқиб кетарди. Юк ташиш, вагонлардан фойдаланишдаги ҳўжасизликлар, давлат ва миждозлар мулкига хиёнат авж олиб борарди. Вагонлар ёзда иссиқ, қишда совуқ, чойшаб ва аёллар ишлатилверганидан тилиб кетган, вагон ойналари

тўкилиб бўлган, қамоқхонани эслатувчи темир панжаралар билан тўсиб ташланган эди. Тобора чигаллашаётган бундай аҳвол республикамиз иқтисодиёти, ижтимоий турмушига жиддий зиён келтириб, ўта ташвишли муаммога айланиб бораётган эди. Айрим маълумотларга эътибор қаратайлик.

1990 йилда 1989 йилдаги нисбатан 6 фоиз кам юк жўнатилди.

Хусусан, нефть маҳсулотларини жўнатиш 0,4 миллион тонна ёки 4,2 фоиз, минерал ўғитлар жўнатиш 0,2 миллион тонна ёки 4,5 фоиз, пахта толаси жўнатиш 150 минг тонна ёки 10,8 фоиз, ёғоч-тахта жўнатиш 26 минг тонна ёки 24,3 фоиз камайди.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби узоқ йиллар давомида темир

йўл соҳасига эътибор бермаслик, зарур ислоҳотларни ўтказмаслик, тинка-мадори қуриган локомотив ва вагонларни янгиланмаслик, таъмирлаш базасининг ноқурлиги билан боғлиқ эди. Бунинг тағамини ўзбекистонга, халқимиз тақдирига ўтай кўз билан қарашдек муносабат ётарди.

(Давоми 3-бетда.)

### Эътироф

Жамиятни демократлаштиришда таълимнинг тутган ўрни гоат муҳимдир. Бу борада ҳуқуқий таълим ҳамда жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли ишларни амалга ошириш талаб этилади. Юртингизда аждодларнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик. Мен Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлганман. У ерлардаги бетакрор меъморий обидалар, муқаддас қадимжолар ва маданий ёдгорликлар ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдиради».

Антонио Алонсо МАРКОС, Сан-Пабло университети ҳузуридаги Гуманитар институт профессори, (Испания).

### Янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўсма касалликларни профилактикаси масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари вакиллари, тиббий-илмий марказлар олимлари, жойлардаги онкология диспансерлари бош шифокорлари ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва шифокорларнинг малакасини янада оширишга доир маърузалар тингланди.



Гулистон шаҳрида Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари оилалари учун янги турар-жой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳа асосида барпо этилган ушбу уч қаватли уйга 12 ҳарбий оила кўчиб кирди.

Ҳарбийларга янги уйлارнинг калитини топширишга бағишланган маросимда Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, ҳарбийларни янги уйлар билан қутладилар. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.



АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтган шохмат бўйича «Chicago Open — 2011» халқаро турнирда ҳамюртимиз Темур Гареев энг юқори натижа билан голиб бўлди.

Турли мамлакатлардан йигилган юз эллик нафардан ортиқ шохмат усталари орасида Темурга тенг келадигани топилмади. У хиндистонлик Гаури Шанкар, латвиялик Викториа Ни, америкалик Майкл Бодек, Дмитрий Гуревич, Роберт Хангаски каби таниқли спортчилар устидан галаба қозониб, асосий совринни қўлга киритди.

### ЎЗХДП бошланғич ташкилотларида



## Ислоҳотлар муваффақияти ҳар биримизга боғлиқ

Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотларининг фаол иштироки масаласига бағишланган семинар ташкил этди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятидаги бошланғич партия ташкилотиде ўтказилган мазкур тадбирда электротар вакиллари Концепциянинг мазмун-моҳиятини чуқур очиб бериш, унда ил-

гари сурилган гоьларнинг аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш бўйича фикр билдирилди.

— Мамлакатимиз раҳбари босиб ўтилган йигирма йиллик ҳаётимизни таҳлил этиб, янги даврнинг янги вазифаларини белгилаб

берди, — деди Республика Маънавият тарғибот маркази тарғиботчиси Али Амреев. — Концепцияда илгари сурилган ташаббусларнинг амалга ошиши ҳар бир фуқаронинг ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шундай экан, бугун бизнинг энг долзарб вазифамиз — тарғибот-ташвиқот ишлари орқали Президентимиз илгари сурган гоь ва ташаббусларни амалга ошириш, бунга кенг жамоатчиликни сафарбар этишдан иборат.

⇒ 2

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Жамоатчилик назорати

такомиллашувида ОАВнинг долзарб вазифалари ва масъулияти ⇒ 2

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

## Иммунология институти

ёки Ўзбекистонда бу фан тараққиёти ⇒ 4

## «Онажоним — табиат»

— Минтақамиздаги экологик вазият танг аҳволга келиб қолди, — дейди танлов голиби Зиёдулла Нормуродов. — Ҳозир биз журналистлар табиати, экологияни асраб-авайлашни кўпроқ тарғибот қилишимиз керак.



⇒ 4


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 7 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1832,56	1 Миср фунти	287,40	1 СДР	2737,66	10 Жанубий Корея вонни	15,85
1 Англия фунт стерлинги	2805,15	1 Канада доллари	1743,93	1 Туркия лираси	1085,91	10 Япония иенаси	212,69
1 БАА дирҳами	464,65	1 Хитой юани	263,43	1 Швейцария франки	2045,31	1 Россия рубли	61,22
1 АҚШ доллари	1706,61	1 Малайзия ринггити	569,63	1 Евро	2453,21	1 Украина гривнаси	214,04

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.







# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Темир йўл тизимида юзага келган бу муаммолар зудлик билан қўриб чиқилмаса, тегишли чоралар қўрилмаса, ахвол янада оғирлашиб, чигаллашиб кетиши турган гап эди. 1991 йил 25 февралда Юртбошимиз соҳа вакиллари йиғди. Вазият таҳлил этилди. Тармоқда жиддий бўрилиш ясаш учун нималар қилиш зарурлиги қўриб чиқилди, галдаги вазифалар белгилаб берилди.

Ахволни ўнглаш учун чора-тадбирлар қўрилатган бир пайтда собиқ иттифоқ парчаланиб, мамлакатимиз мустақилликка эришди. Янги мустақил давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар бошланди, ҳамкорлик бўйича ҳуқуқий асослар йўқлиги сабабли темир йўл тизимида янада мураккаб муаммолар пайдо бўлди.

Уша пайтларда маҳаллий раҳбар кадрларни тайёрлашга эътиборсиз қараб келингани, соҳадаги муҳандис-техник ходимларнинг кўпчилиги кетиб қолиши вазиятнинг янада мураккаблашувига олиб келди. Бунинг устига, таъмирлаш базаси асосан собиқ марказда жойлашгани, эҳтиёт қисмлар юз фоиз Ўзбекистондан ташқаридан ишлаб чиқарилгани, уларнинг манфаатимизга зид бўлган «бартер» усули орқали олиб келиниши иқтисодий-техник унвон катта молиявий зийн эди.

Энг оғир масала транспорт коммуникациялари қўшни республикалар худудидан ўтиши билан боғлиқ эди. Жанубий йўналишда ҳам, шимолда ҳам юк поездаларнинг асосис ушлаб турилиши сабабли темир йўллари раҳбарлари чегара бекатларига бориб, ойлаб сарсон-саргардон бўлардилар. Баъзи йўналишларда эса, оддий қилиб айтганда, ўз уйимизга қўшнингнинг ҳовлиси орқали ўтардик.

Президентимиз бу муаммоларни бартараф этиш учун, аввало, кадрлар тайёрлаш тизimini йўлга қўйиб, Ўзбекистон темир йўлларида саноят ишлаб чиқаришини, мавжуд техника ва технологияни модернизациялаш, муқобил йўллари қуриш, ягона миллий темир йўл тизimini яратиш сиёсатини илгари сурди.

Зеро, бевосита денгизга чиқа олмайдиган мамлакатимиз иқтисодиёти ривож кўп жиҳатдан темир йўллар тараққиётига боғлиқ эди.

## БУОҚ ИПАК ЙЎЛИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Шошилч тарзда мамлакат темир йўл транспорт тизимининг моддий-техник, таъмирлаш базасини, локомотив ва вагон саройини сақлаб қолиш, ягона миллий темир йўл тизimini барпо этиш юзасидан тегишли ҳуқуқий-ташкилий чоралар белгиланди. Бошқа

ларни катта зехн ва донишмандлик билан ҳал этиш талаб этиларди. «Мен энди мустақилман!» деб, бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган темир йўлларга тўсиқ қўйиб, асосис талабларни илгари сурган мамлакатлар ҳам бўлди. Бу қалта йўлов давлатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий мўносабатларни бир-биридан узиб қўйишдан бошқа нарса эмас эди. Аини шу пайтда яқиндагина собиқ иттифоқ ўрнида тузилган МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида Президентимиз ташаббус билан темир йўллар яхлитлиги сақлаб қолинди ва бу тузилма ўтган 20 йил ичида изчил фаолият юритиб келаётган МДХ Темир йўл бўйича Кенгаши тимсолида катта-катта масалаларни ҳал этмоқда.

Халқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустахкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекис-

этиш мақсадида транспорт алоқаларининг халқаро тизимларига алоҳида эътибор берилди бошланди. Чунки республикамизнинг жўроғий жойлашу-ву туфайли, бир неча ўн йиллар давомида бизнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларимиз асосан, темир йўл орқали амалга оширилиб келинган. Юк собиқ иттифоқнинг Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Япон денгизи ва Шимолий денгиз соҳилларидаги бандаргоҳлар орқали ташилган. Бундай транспорт йўли бўйича юк ташини қиммат тушишидан ташқари, жанубий йўналишда транспорт коммуникациялари амалда ривож топмай қолган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳозирги кунда дунёда, айниқса, минтақамизда рўй бераётган чуқур ва изчил сиёсий-иқтисодий жараёнлар амалдаги транспорт йўлларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, мавжуд йирик халқаро бозорлар ва

**1991 — 2011 йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан жами 956 километр темир йўл барпо этилди.**

**Шундан: Учқудуқ — Мискин — 223 км; Тошғузар — Бойсун — Қумқўрғон — 223 км; Хайратон — Мозори Шариф — 106 км; Қолган 404 км — Навоий — Учқудуқ — Нукус ва Тошғузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линияларининг станция йўллари, Навоий эркин иқтисодий худуди, Навоий аэропортигача, Ангрэн логистика маркази, Тўқимачи — Ангрэн электрлаштирилган участкаси ва ҳ.к.**

республикалар худудидан турган вагон ёки тепловозларни қўлдан чиқармай, қайтариб олиб келиш, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тизими ҳисобланган темир йўл тармоғи жловини маҳкам ушлаб туриш кўп нарсани ҳал қиларди.

Собиқ тузумнинг асоратлари шу қадар чигал ва мураккаб эдики, бу-

тон истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни кўрди. Бу нималардан иборат эди?

«Биринчидан, транспорт коммуникацияларини инвестициялаш қиммат турадиган ва кам фойда келтирадиган бизнес эканлигини жуда яхши тушунамиз, — деган эди Президентимиз. — Шунга қарамай, Ўзбекистон ўз манбалари ҳисобидан иккита йирик ва стратегик муҳим темир йўл магистраллини: узунлиги 342 километр бўлган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус ҳамда узунлиги 223 километр бўлган Ғузур — Бойсун — Қумқўрғон магистралли қурилишини, бошлаб юборди. Уларни фойдаланишга топшириш нафақат табиий минералларнинг бениҳоя бой захираларига йўл очиб, республика ичида транспорт қатновини арзонлаштириш имконини беради, балки денгиз бандаргоҳларига, халқаро транспорт коммуникациялари-га чиқишни ҳам таъминлайди».

Халқаро алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан Ўзбекистоннинг жуда катта ютуғи шунда эдики, республика ривожланган энергетика, коммуникация ва сув тизимларига, ягона, бир-бирини тўлдирадиган темир йўл тармоғига эга эди.

Қўшни давлатлар ва Жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган энг қисқа ишончли транспорт йўллари барпо

фаол шаклланиб бораётган истикболли бозорларни боғлайдиган янги, самарали йўналишларни очиб ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда эди.

Бу узоқ муддатли умумий манфаатларга мос келарди, лекин табиий ресурслар ва минерал хомашё ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлашга қўмақлашарди, шунингдек, давлатимизни ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилади ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Ана шундай йирик лойиҳалардан бири — Навоий — Учқудуқ — Мискин — Тўртқўл — Султон Увайстоғ йўналишидаги янги темир йўлидир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бошлаб юборилган янги темир йўли бу нўвёд этишда жуда катта ҳаждаги ишлар баҳарилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ транспорт ва коммуникация тизimini жадвал ривожлантириш, юк ташини ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилгани юқоридagi сингари янги йўлларнинг қурилиши иқтисодимизни барқарор ривожлантиришга имкон яратди.

**Сувонкул РУСТАМОВ,**  
журналист.  
(Давоми келгуси сонда.)

### Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси

қуйидаги иншоотни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд шаҳридаги 59903-харбий қисмининг 11/25-девохнонаси биносини капитал таъмирлаш	163 989 868 сўм	136 658 223 сўм	3 ой

**Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Ташкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй, телефон: (8371) 269-80-97.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, Мудофаа вазирлиги объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**

**Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залыда соат 10.00** да ўтказилади.

### Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Самарқанд вилоят худудий бошқармаси

2011 йилда қурилиш режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
ЛОТ 1-2:				
Лот-1	Самарқанд шаҳри, Топография кўчасидаги Суд ижрочиларининг Самарқанд шаҳар бўлимига қўшимча бино қурилиши	199 500 000 сўм	166 250 000 сўм	4 ой
Лот-2	Булуғур туманидаги Булуғур туман суди биносини капитал таъмирлаш	192 049 739 сўм	160 041 449 сўм	4 ой

**Қурилиш ишларини Суд департаментининг Самарқанд вилоят худудий бошқармаси ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиради.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** — Суд департаментининг Самарқанд вилоят худудий бошқармаси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси, 32-уй, телефон: (8366) 233-74-15.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**

**Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залыда соат 10.00** да ўтказилади.

### Тадқиқот

## Маҳсулот сифатини таъминлашда инсон омили

Бугунги кунда аҳоли эҳтиёжини қондирувчи маҳсулотлар турининг тобора кенгайиб бораётгани корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро рақобатни кучайтиришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ва хизматларнинг сифат кўрсаткичи бош мезонга айланиши табиий ҳолдир. Ҳозирги бозор ва дўхоналаримиздаги шароит ҳам, пештахталардаги маҳсулотлар ҳам бундан 10 йил аввалгисидан ер билан осмонча фарқ қилади. Илгарилари ҳар бир корхона ўз имконияти ва қудрати даражасида маҳсулот ишлаб чиқарар, аҳоли бориға шукр қилиб кетаверарди. Лекин ҳозирги жадал тараққиёт, инсонлар эҳтиёжи тез ўзгариб, талаби охиб бораётган шароитда юқори сифатли маҳсулотлар етиштириб берувчи корхоналаргина яшаб қолади, ривожланади. Замонга тез мослашмоқчи бўлган ва умумий иқтисодий майдонда кўзга қўринмоқчи бўлган ҳар қандай

корхона истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва дидига эътибор қаратмоғи талаб этилади.

Шу муносабат билан замонавий корхона раҳбари олдида турган асосий вазифалардан бири — маҳсулот сифати ҳақида қайғуриш, истеъмолчилар диди ва эҳтиёжига мос келувчи маҳсулотларни ўз муддатида етказиб беришдир. Бундай талабларни ҳаётага татбиқ этиш эса корхонада сифат тизimini жорий этиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Корхонада замонавий маҳсулот етиштиришга йўналган сифат тизимининг амал қилиши бир қанча омилларга боғлиқ. Хусусан, замонавий технологиялар, талаб даражасидаги хомашё билан бир қаторда инсон омили, яъни маҳсулот етиштириш учун масъул бўлган мута-

хассислар савияси муҳим аҳамиятга эга.

Инсон омили деганда корхонага олиб келинган хомашёдан тортиб, тайёр маҳсулот яратишгача бўлган жараёнга масъул раҳбариятдан тортиб, ҳар бир ишчи-ходим назарда тутилади.

Олимларнинг таъкидлашича, жамоада маънавий муҳит ва ходимларнинг кўтаринки кайфияти орқали меҳнат самарадорлигини 30 фоизга ошириш мумкин.

Маънавий муҳитни соғломлаштириш, наинки ишлаб чиқариш самарадорлиги, балки маҳсулот сифатини яхшилаш учун ҳам қулай имконият яратди. Маълум бўлишча, ходимнинг жамоа билан илқ муносабати унинг тафаккурида топширилган вазифага масъулиятни чуқур ҳис этиш туйғусини кучайтиради.

Республикамиз энгил саноят корхоналаридида ўтказилган тадқиқотлар асосида маҳсулот сифатини таъминлаш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Аввало, корхона раҳбари маҳсулот сифатида бўлган қарорни аниқ белгилаш, ишчи-ходимлар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш чора-тадбирларини кўриши, белгиланган қарорлар ижросини изчил назорат қилиш, тартиб-интизомни кучайтириши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари орасида халқаро миқёсда амал қилувчи ИСО — 9000 халқаро стандартлари тўғрисида тушунчалар бериш бўйича махсус ўқувлар ташкил этиш керак.

Корхона ходимлари орасида мунтазам равишда ижтимоий сўров ишларини ўтказиш орқали маҳсулот сифатида ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаб бориш мумкин. Бу борада чет эл тажрибаси ва айниқса, «япон муҳити»га қўйилган таъсир кўрсатган «сифат тўғрақлари» фаолиятини ўрганиш орқали яхши натижага эришиш мумкин.

Меҳнат фаолияти маҳсулот сифати билан бевосита боғлиқ

бўлган мутахассис ва ишчиларга илгор тажрибаларни ўргатиш механизмининг яратиш, бу тажрибани корхона ходимлари орасида мукаммал қўллашга алоҳида эътибор қаратиш мақсада мувофиқ бўлади. Ташкилот раҳбари корхонада сифат тизimini жорий этиш бир марталик ёки мавсумий чорага айланмиш қолмаслигини назарда тутиб унинг сифат масаласи бўйича қўшимча маънавий раҳбарнинг бошқаруви фалсафасида етакчи ўринни эгаллаши, унинг кундалик фаолиятида амал қилувчи мезонга айланади қолиши талаб қилинади. Энг муҳими, ҳар бир ишчи-ходим маҳсулот сифати ошиши корхона иқтисодий қувватини юксалтиришга хизмат қилиши ва бу ўз навбатида ойлик маош ҳамда меҳнат миқдори ошишини таъминлашни чуқур англаб олмоғи зарур.

**Руслан ИСКАНДАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академияси тинловчиси.**

XXI asr — intellektual bo'yluk asri

# Иммунология институти ёки Ўзбекистонда бу фан тараққиёти

ЎзРФА иммунология институти «Одам геноми» лабораторияси олимлари Татьяна Хегай, Гулшан Жақимова, Малика Рўзибакиева, Светлана Поляруш, Фарҳод Негмонов ва Ирина Аникиналарнинг узоқ вақт олиб борган изланишлари туфайли трансплантация иммунологиядаги бир қатор тўсиқларни енгиш методи кашф этилди.

— Иммуниет организмга ташқаридан киритилган ҳар қандай «ёт» омиллар, яъни ҳужайра ва молекулаларга қарши курашади, — дейди мазкур институт директори, профессор Тамара Орипова. — Шунинг учун энг такомиллашган жаррохлик техникаси мавжудлигига қарамай инсон танасига кўчириб ўтказилган трансплант аъзо ва тўқималарни организм кўп ҳолларда қабул қилмайди. Чунки, улар организмга иммунологик жиҳатдан тўғри келмайди, яъни тўқималарнинг бир-бирига номуносиблиги кузатилади. Мазкур тадқиқот натижаларини кўпгина жаррохлик марказлари кутаётган эди. Чунки, агар бу янги метод мамлакатимиз ва халқроқ илмий жамоатчилик томонидан тасдиқланса, ҳар қандай трансплантация операциясининг муваффақиятли чиқиши, кўчириб ўтказилган органнинг яшаб кетиши учун бемалол кафолат бериш мумкин.

### Ибн Сино иммунология асосчиси

Шу ўринда иммунитетнинг умумбиологик асосларини, унинг вужудга келиши ва эволюциясини, иммунологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ўрганувчи иммунология соҳаси ҳақида тўхталмоқчимиз. Ушбу фан ҳақидаги илк ибтидоий қарашлар антик даврда пайдо бўлган. Қадимги юнон тарихчиси Фукидид ўз ёдномаларида миллодан аввалги 430 йилда Афинада вабо эпидемияси тарқалганини қайд этади ва илгари бу касаллик билан оғриб, омон қолган одамлар кейинчалик унга ҳеч қачон қайта йўлиқмаганига эътибор қаратади. Шундан бўлса керак, организмда

ўлатнинг тақрорий эпидемиясига бардошлилик хусусияти шаклланган бундай инсонлар ўша даврларда «иммуниет», яъни лотинча «халос бўлган фуқаро» деб аталган.

ХI асрда Ибн Сино барча касалликларни жуда майда «микроблар келтириб чиқаришни ва уларнинг баъзилари одамдан одамга ўтишини илмий жиҳатдан исботлади. Бунок аллома илк бор иммунологияни махсус тиббий назария сифатида ўрганишни тақлиф қилган. Замонавий иммунология ривожига эса инглиз дорихуноси ва жаррохи Эдуард Женнер фаолияти билан боғлиқ. У 1769 йилда Европа аҳолиси ўртасида кенг тарқалган қора чечак касаллигини олдини олиш мақсадида унга қарши эмлаш техникасини ишлаб чиқди ва илк тажрибани саккиз яшар болада ўтказди. Натижада беморда касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлди.

### Ўзбек популяцияси гени Халқроқ реестрда

Юртимизда мазкур соҳа бўйича дастлабки илмий тадқиқотлар академик Уктам Орипов номи билан боғлиқ. У ўз изланишларида мураккаб радиация жароҳатларининг кечиси хусусиятлари, хирургик касалликларнинг аутоиммун жараёнларнинг ролини очиб берди. Орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш бўйича тадқиқотлар олди борадиган йирик марказлардан бирига асос солди. 1972 йили Ўрта Осиёда биринчи бўлиб одамда буйракни кўчириб ўтказиш операциясини муваффақиятли амалга оширди.



Институт олимлари янги илмий тадқиқот муҳокамасида.

1985 йилда ЎзРФА қошида минтақада ягона бўлган Иммунология илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, соҳанинг турли йўналишларига оид кўплаб янги кашфиётлар қилинди. Иммуно тизимининг таши муҳитдаги ўзгаришлар ва иқлим шароитига дарҳол муносабат билдира олишдек ноёб хусусияти аниқланди. Мазкур тадқиқот фанда инсон иммун системасининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганадиган янги йўналиш — экологик иммунологиянинг пайдо бўлишига замин яратди. Институт эса бу соҳани ўрганувчи жаҳондаги йирик марказлардан бирига айланди. Бу ерда «Иммунология

ва одамнинг ёши», «Ўзбекистон халқ ҳўжалигида иммуногенетика ва биотехнология ютуқлари» мавзuida халқроқ конференция ва симпозиумлар юксак савияда ташкил этилди. 1998-2000 йилларда Кавказорти, Эрон ва Ўрта Осиё мамлакатларига халқроқ экспедициялар уюштирилиб, 18 та этник гуруҳнинг 2000 дан ортиқ ноёб ДНК коллекцияси тўланди. Ҳар бир миллатнинг геноми бир-биридан фарқ қилади. Ирсият ўзининг тадрижий тараққиёти давомида инсонларнинг жойлашуви ўрни, ўша ердаги экологик муҳит ва табиий шароитлар таъсирида шаклланиб ҳамда наслдан-наслга ўтиб

боради. Олимларимизнинг кўп йиллик самарали изланишлари натижасида Ўзбек популяциясининг HLA-A2 гени Халқроқ реестрга киритилди. Яъни, халқимизнинг иммун мақоми, умумий генетик картаси ишлаб чиқилди. Биомедицина — замонавий йўналиш XXI асрга келиб иммунологиянинг биотехнология, ген инженерияси, нанотехнология каби янги фанлар билан интеграциялашуви натижасида медицинанинг замонавий йўналиши — Биомедицина вужудга келди. Ҳозирги кунда ЎзРФА иммунология илмий-

тадқиқот институти олимлари одамларнинг ирсий касалликларга мойиллигини олдиндан аниқлаш ва таххис қўйиш, трансген микроорганизмлар асосида янги препаратлар кашф этиш, қаби соҳанинг долзарб масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жумладан, тиббиёт фанлари номзоди Татьяна Хегай одамларнинг генетик паспорти яратиш борасидаги ўз изланишларини муваффақиятли яқунлади.

— Генетик паспорт — бу кишиларнинг бирор хасталикка дучор бўлишини олдиндан аниқлаш имконини беради, — дейди тадқиқотчи. — Таххис қўйишнинг бу усулидан ҳозир бир қатор мамлакатларда кенг фойдаланилмоқда. Эндиликда бизда ҳам уни жорий қилиш мумкин. Бу эса соғлом одамларни чалиниш эҳтимоли бор бўлган даражадан оғоҳ этади, шифокор ана шу паспортга асосланиб, кишиларга турмуш тарзини қандай ташкил этиш хусусида маслаҳат ва кўрсатмалар беради.

Бундан ташқари, яқинда институт ходимлари ЎзРФА ўсимлик моддалар кимёси институти билан ҳамкорликда аллергияга қарши янги «Черёда» препаратини ишлаб чиқди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида мазкур дори воситаси дунёнинг кўпгина мамлакатларида аллергияни бартараф этишда қўлланадиган баъзи бир препаратлардан бир неча баробар самаралироқ эканлиги маълум бўлди.

Мазкур институт олимларининг аксари ёшлардан иборат. Келажакда улар томонидан қилинадиган янги иxtиролар, кашфиётлар бутун дунёни йўлатган соҳага солишига ишонамиз.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Тадбир

## «Онажоним — табиат»

Ўзбекистон экологик ҳаракатида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф муҳит куни муносабати билан байрам тантанаси ташкил этилди. Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Онажоним — табиат» Республика иншолаш танлови ва «Тиббиёт, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ва экология» Республика иждоий танлови гойлибарини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Минтақамизда экологик муаммоларни бартараф этишда самарали ишлар қилинмоқда, — деди Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Боррий Алихонов. — Биз бугун халқимизнинг, болаларимизнинг она табиатни қанчалар севишининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Яхши бир ибора бор: биз табиат инъомларини аждодаларимиздан мерос қилиб эмас, келажак авлодлардан қарзга олганмиз. Бизнинг олдимизда турган энг муқаддас вазирамиз авлодларга табиатнинг мусоффолигини, инъомларини сақлаш ҳолда етказиб беришидир.

— Мен «Онажоним — табиат» Республика иншолаш танловида қатнашиб совриндор бўлдим, — дейди Учтепа туманидаги 296-умум таълим мактаби 7-синф ўқувчиси Рисолат Ибрагимова. — Бизнинг мактабимизда Экология музейи ташкил қилинган. У ерда турли хил экспонатлар, китоблар мавжуд.

Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва «Medical Express» журнали ҳамкорлигида «Тиббиёт, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ва экология» шиори остида ўтказилган Республика иждоий танлови гойлибарини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

— Минтақамиздаги экологик вазият танг аҳволга келиб қолди, — дейди танлов гойлиби Зиёдулла Нормуродов. — Ҳозир биз журналистлар нафақат табиатни севишимиз, балки халқимизни ҳам экологияни яхшилашга даъват этишимиз керак.

Байрам тантаналарида иштирок этган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари ва «Бастет» болалар рақс ансамблининг рақслари тадбирга ўзгача шухуқ бахш этди.

Темур АбЗAM, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Футбол



## Тайёргарлик пухта бўлса...

«Жаҳон чемпионати — 2014» саралаш мусобақасига ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз миллий терма жамоаси сафарда Хитой миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Куньямин шаҳрида бўлган бу ўйинга бош мураббийимиз Вадим Абрамов Жанубий Корея клубларида тўп сураётган Сервер Жепаров, Александр Гейнрих ва Тимур Копадзени тақлиф этди. Терма жамоамиз асосий ўйинчилари ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Тенгма-тенг кечган ўйин мезонларнинг 64-дақи-

қада киритган голи эвазига жўйойликлар фойдасига ҳал бўлди — 1:0. Муҳими, шундай учрашувларда жамоанинг тажрибаси ошади, асосий таржиби белгилаб олинади. Ахир, тайёргарлик қанча пухта бўлса, расмий мусобақалар шунча осон кечадди, деб бежиз айтишмайди. Сайёра ЗИЁТОВА

### Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси

2011 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачининг бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачининг бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд вилоят, Пастдарғом тумани, Жума шаҳрида ФХДЭ биноси қурилиши	382 350 776 сўм	318 625 646 сўм	4 ой

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Самарқанд вилояти қурилиш-таъмирот ва муҳофизат бўлими ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Б.Мирзо кўчаси, 12-уй, телефон: (8366) 233-13-59.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдо-

лари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйида-

ги нарх преференциялари эътиборга олинади: конун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилиш ва таъмирот ва муҳофизат бўлими ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги маълумот буйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг иккинчи мажлиси залида соат 10.00 да ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!

## Анджон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2011 йилда Анджон вилоятида 1991 йилга қадар қурилган 121 кўп қаватли уйларда умумий фойдаланиш майдонлари ва муҳандислик тармоқларини мукамал таъмирлаш бўйича эркин танлов савдоларини эълон қилади:

Қурилиш ишларини молиялаштириш буюртмачига ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 2 фоизи миқдоридида айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва тажрибали мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Анджон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Анджон шаҳар, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 45-уй тел. (8 374) 224 23 94.

Тақлифлар (оферталар)ни очилиш кунини ва соати матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида юқорида кўрсатилган манзил бўйича қабул қилинади.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йил 16 июнда Халылов Дилшод Садуллаевич номига берилган К №768372 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент юридик коллежи томонидан 2007 йилда Нигматов Азамат Қодир ўғли номига берилган № 790467 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

### ОБ-ҲАВО 07-08.06. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	27°C	29°C
Самарқанд	27°C	32°C
Нўкус	25°C	30°C
Қарши	30°C	35°C
Урганч	25°C	30°C
Навоий	28°C	33°C
Фарғона	27°C	32°C
Бухоро	28°C	33°C
Анджон	27°C	32°C
Наманган	27°C	32°C
Термиз	30°C	35°C
Жиззах	27°C	32°C
Гулистан	27°C	32°C
Тошкент вил.	27°C	32°C
Лондон	24°C	18°C
Париж	23°C	25°C
Москва	21°C	23°C
Мадрид	26°C	25°C
Пекин	31°C	30°C
Гонконг	32°C	32°C
Рим	26°C	26°C
Анкара	26°C	24°C
Токио	26°C	27°C
Стокгольм	26°C	14°C
Кейптаун	17°C	17°C
Қоҳра	30°C	32°C
Гавана	31°C	31°C
Вашингтон	28°C	29°C

### MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muhammadin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Mohibboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad SAIDAHMAD
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

### BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 649 17413 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 O'zA yakuni — 21.15 Topshirilgan vaqti — 00.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV



ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5